



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2026
1-сон



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

Tahririyat a‘zolari:

Mas‘ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay‘ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:

M.Q.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади	5
Сарвар Аюбовна Исхакова Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари	13
Anvar Nematovich Xoliqulov Servis sifati tushunchasining nazariy talqini	18
Зухриддин Санжар ўғли Рашидов Корхона самарадорлигини оширишни меҳнат ресурслари ҳаракати билан боғланишининг ўзига хос хусусиятлари	21
Mexrangiz Axtam qizi Mullayeva Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlari	25
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Роль эстетических показателей тканей в формировании потребительских и эксплуатационных свойств изделий	31
Рузбой Нормакматов, Акрам Гафуров, Баҳора Тўлқинова В ₁ - витамин (тиамин): ва унинг инсон соғлигини сақлашдаги аҳамияти	34
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Atrof-muhitga chiqarilayotgan sut zardobi tarkibidagi zardob oqsillari miqdorini kamaytirish texnologiyasi	37
Ro‘ziboy Normaxmatov, Zakirjon Erkinovich Mamarasulov, Ravshan Pirmatov Askorbin kislotasi (C vitamini) va uning ahamiyati	41
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Феруз Нематуллаевич Абилов Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари	44
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш	50
Акмал Алимжонович Салимов Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим хизматлари сифатини ошириш тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари	56
Firuz Kurbanovna Achilova Mintaqada xizmatlar sektorining rivojlanishining zamonaviy modellari	61
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов Хизмат кўрсатиш соҳасида сохта иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари	66
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Orolbo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	71
Jahongir Aktamovich Haydarov Logistikada transport xizmatlari raqobatbardoshligini baholashning kompleks yondashuvlari	75

XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS

Обид Мамаюнович Пардаев – ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самардорлиги миллий агентлиги директорининг 1-ўринбосари

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ ВА ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНСТИТУТЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва буларни коммунал хизматлар соҳасига мослаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда маъмурий-бошқарув институтларига кирувчи асосий тузилмалар ва тармоқлар ҳамда уларнинг таркиби ўрганилган. Ушбу соҳани ривожлантиришнинг объектив заруриятларидан келиб чиқиб, бир қанча илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди

Калит сўлар: коммунал хизматлар, маъмурий-бошқарув, инфратузилма-вий институтлар, давлат ижроия ҳокимияти, ҳокимликлар, маҳаллий ижро органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат назорати органлари, давлат хизматлари, маъмурий судлар, маҳалла.

Кириш. Охириги пайтларда маъмурий ислохотларга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон Фармони ижросини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, уларга кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилнинг 24 майида “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ-80-сонли фармони эълон қилинди. Бунда коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларга ҳам бир қанча вазифалар юклатилган. Хусусан, “давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари-ни бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан хўжалик бирлашмалари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллади”¹, деб таъкидланган. Кўриниб турибдики, бугунги кунда кенг кўламли коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асослари тегишли идораларнинг диққат эътиборида. Бу эса мазкур маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтларни тадқиқ қилишга қаратилган мавзуга бағишланган ишнинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Коммунал хизматларни ривожлантиришга маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш масалаларини ёзиш жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, замон ва макон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, тизимли ва қиёсий таҳлил, мантиқий ёндошув ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Маъмурий-бошқарув коммунал хизматлар соҳасида давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан хизматларни самарали ташкил этиш, тартибга солиш ва назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Ушбу бошқарув усули аҳолини узлуксиз ва сифатли коммунал хизматлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳани бошқарув бир қанча йўналишларга эга. Булардан асосий йўналишлардан бири ташкилий бошқарув бўлиб ҳисобланади. Бу бошқарув коммунал корхоналар фаолиятини режалаштириш, уларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш вазифасини ўтайди. Ушбу ҳолатларнинг ҳаммаси меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ-80-сон Фармони 7-иловасида.

тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бунда турли тарифларга, стандартларга, санитария ва техник талабларни белгиланган даражада амал қилиш таъминланади.

Маъмурий-бошқарувнинг коммунал хизматларда қўлланилишида маъмурий назорат тизими ҳам катта рол ўйнайди. Бунда хизмат сифати, хавфсизлик қоидалари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тизимли равишда текшириб борилади. Ушбу жараёнларда муҳим йўналишлардан бири ижро интизомидир. Бунда қабул қилинган қарорлар, стратегик дастурларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича тизимли иш олиб борилади.

Коммунал хизматларда бир қанча йўналишлар мавжуд. Буларга сув таъминоти ва сув оқава (канализация), электр ва газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ишлари, кўп қаватли уй-жойларни бошқариш масалалари киради. Буларнинг ҳаммаси маъмурий-бошқарув тизими орқали бошқарилади.

Бугунги кунда маъмурий бошқарув тизимининг фаолият кўрсатилиши бир қанча афзалликларга эга. Энг аввало бу марказлашган бошқарув орқали барқарорлишни таъминлайди. Муҳими, ушбу ҳолат аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳат, табиий монополиялар устидан давлатнинг кучли назорати ҳам ўрнатилади. Бироқ ташқи назоратнинг айрим камчиликлари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, ортикча бюрократия ва қарор қабул қилиш секинлик билан амалга ошади. Иккинчидан, маълум даражада бозор механизмларининг чекланиши рўй беради. Шунга мос равишда инновацияларни жорий этишда сунъий тўсиқлар пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотлар ва сўровлар, мутахассисларнинг кузатувлари кўрсатдики, коммунал хизматларни кўрсатуви корхоналарни ўз ихтиёрига қолдириб бўлмас экан. Улар қттик назорат қилиниб турилмаса, аҳолининг турли норозигарчиликларини келтириб чиқаради. Шу туфайли ҳам маъмурий, ҳам ихтиёрий йўл билан фаолият кўрсатишини таъминлаб, соҳанинг смарадорлигини оширишга эришиш лозим бўлмоқда.

Бугунги инновацион ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, коммунал хизматларнинг самарадорлигини оширишнинг бир қанча йўллари мавжудлигини қайд этишни лозим, деб топдик. Биринчидан, соҳага рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Агар шундай бўлса, жараённинг бошида туриб эмас, балки масофадан туриб ҳам назоратни амалга ошириш мумкин бўлади. Шунингдек, коррупцион омиллар ҳам бартараф қилинади. Иккинчидан, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш лозим. Ҳозир мавжуд албатта. Аммо соҳада бошқа тармоқларга нисбатан камроқ. Бунга ҳам тадбиркорларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Учунчидан, соҳа фаолиятига шаффофликни янада ойдинлаштириб, жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз

Кўриниб турибдики, маъмурий-бошқарув тизими коммунал хизматлар соҳасида асосий бошқарув воситаси бўлиб, уни замонавий бошқарув усуллари билан уйғунлаштириш хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маъмурий-бошқарув институтлари давлат ва жамиятда бошқарув, назорат, тартибга солиш ва ижро этиш функцияларини амалга оширувчи ташкилотлар, қоидалар ва механизмлар мажмуаси сифатида шаклланган. Буларнинг асосий вазифаси — давлат аппаратининг самарали ишлаши, ижтимоий тартиб ва қонунийликни таъминлашдан иборат. Бу ҳам бир қанча тузилмалардан иборат. Қуйида маъмурий-бошқарув институтларига кирувчи асосий тузилмаларга эътиборингизни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакатимизда маъмурий-бошқарув институтларига кирувчи асосий тузилмалар ва уларнинг таркиби

Т/р	Маъмурий-бошқарув институтларининг номи	
1.	Давлат ижроия ҳокимияти институтлари	Ушбу идоралар давлат сиёсатини амалга оширишда ижро етакчиси сифатида хизмат қилади, Буларга: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Президент Администрацияси, вазирликлар, қўмиталар ва агентликлар киради.

2.	Ҳокимликлар ва маҳаллий ижро органлари	Мазкур ташкилотларнинг вазифаси худудий бошқарув, муаммоларни жойларда ҳал этишдан иборат. Булар таркибига: Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳаллий кенгашлар ижро аппарати, туман ва шаҳарларнинг иқтисод, молия, бандлик, таълим ва ҳ.к. бўлимлари киради.
3.	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари	Буларнинг вазифаси жамоат тартибини, аҳолининг хавфсизлигига, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Булар таркибига Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона ва миграция хизматлари киради.
4.	Давлат назорати органлари	Ушбу идораларнинг вазифаларс қонунларнинг ижроси ва давлат маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни ўрнатишдан иборат. Булар таркибига: Прокуратура, ҳисоб палатаси, антикоррупция агентлиги, давлат санитария-эпидемиология назорати.
5.	Давлат хизматлари институти	Ушбу соҳа инновацион омилларга таянган бўлиб, бир қанча идораларни ўз ичига олдди. Буларнинг асосий вазифаси аҳолига маъмурий хизмат кўрсатишда бюрократияни камайтириш-дан иборат. Буларга қуйидагилар: Давлат хизматлари агентлиги, “Янги авлод” давлат хизматчилари тайёрлаш тизими, Электрон ҳукумат (E-gov) кабилар киради.
6.	Маъмурий судлар ва маъмурий ҳуқуқ институти	Ушбу ташкилотларнинг вазифаларига фуқаролар ва давлат низоларини ҳал этишга қаратилган. Булар таркибига: Маъмурий судьялар фаолияти маъмурий кодексга асосланган ҳолда маъмурий иш юритиш тартибини амалга оширувчи идоралар киради.
7.	Бошқарув ва тартибга солиш агентликлари	Ушбу соҳага оид ташкилотларнинг вазифалари соҳа бўйича давлат сиёсати ва стандартларни белгилаш билан боғлиқдир. Мазкур гуруҳга қуйидагилар киради: Энг аввало, антимонополия қўмитаси, монополияга қарши кураш агентликлари, энергетика, транспорт ва телекоммуникацияни тартибга солувчи идоралар киради.
8.	Маҳалла ва жамоат бошқаруви институтлари	Ушбу институтнинг вазифаси жамоатчилик асосида бошқарувни назорат қилиш, аҳоли билан уларнинг муаммолари ва КХ сифати тўғрисида мулоқот. Бунга: Маҳалла фуқаролар йиғинлари, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши каби нодавлат ташкилотлари киради.

Жадвалдан кўриниб турибдики, маъмурий-бошқарув институтлари бевосита давлат бошқарув тизимини ташкил этувчи барча ижро органлари, назорат тузилмалари ва маъмурий хизмат кўрсатувчи механизмларни ўз ичига олар экан.

Коммунал хизматлар соҳасининг ривожланишида **инфратузилма институтлари** ҳам муҳим роль ўйнайди. Булар таркибига ахборот инфратузилмаси, логистика ва транспорт тизими, коммуникация тармоқлари, энергетика таъминоти кабилар киради. Буларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш учун унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Буни инобатга олиб, ушбу категориянинг таърифини ишлаб чиқдик. **Инфратузилма институтлари деганда, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган хизматлар, тармоқлар ва ташкилотлар мажмуаси тушунилади.** Улар иқтисодиётнинг “асоси” бўлиб, коммунал хизматларни ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалари ва ижтимоий соҳаларни бир-бири билан боғлаб туради. Инфратузилма институтларига қирувчи асосий тармоқлар қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

Инфратузилма институтига кирувчи асосий тармоқлар ва уларнинг таркиби

т/р	Инфратузилма институтларининг номлари	Инфратузилма институтларининг таркибий тузилиши ва изоҳи
1.	Транспорт инфратузилмаси институтлари	Мазкур инфратузилманинг вазифаси бевосита одамлар ва товар-ларни ташиш, турли субъектлар ва ҳудудлар ўртасида иқтисодий алоқаларни таъминлашга қаратилган. Булар таркибига: автомобиль йўллари, темир йўллари, аэропортлар ва авиация хизматлари, метро ва шаҳар транспорти, логистика марказлари киради.
2.	Энергетика инфратузилмаси	Мазкур инфратузилманинг вазифаси иқтисодиётнинг асосий ресурслари бўлган энергия билан таъминлашга қаратилган. Булар таркибига: электр энергияси тармоқлари, газ таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар, нефт ва газ қувурлари, истеъмолчиларга энергия етказиб берувчи компаниялар каби соҳага оид субъектлар киради.
3.	Коммуникация ва ахборот инфратузилмаси	Ҳозирги замонда муҳим бўлган ушбу инфратузилманинг асосий вазифасига ахборот алмашинуви таъминлаш, рақамли хизматлар каби йўналишларни амалга оширади. Булар таркибига: телекоммуникация тармоқлари, интернет-провайдерлар, почта хизмати, ахборот марказлари киради. Буларнинг вазифаларидан яна бири соҳани рақамлаштириш орқали муносабатларда инсон омилини пасайтириш билан бирга вақтни тежаш имкониятларини ҳам яратади.
4.	Коммунал хизматлар инфратузилмаси	Бунинг вазифаси бевосита аҳоли ва корхоналарни маиший ва санитар хизматлар билан таъминлашга қаратилган. Булар таркибига: сув таъминоти ва канализация, иситиш тизимлари, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш, инфратузилма таркибидаги мавжуд коммунал хизматлар ўз соҳасига ҳам таъсир қилади.
5.	Молиявий инфратузилма институтлари	Молиявий инфратузилма кўп институтлар таркибида мавжуд, чунки унинг вазифаси иқтисодий айланмаларни таъминлаш, кредит ва инвестиция жараёнларини тартибга солиш ишлари билан шуғулланади. Булар таркибига: Банклар, молия компаниялари, суғурта хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, кимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси киради.
6.	Ижтимоий инфратузилма институтлари	Мазкур инфратузилма институларининг вазифаси бевосита аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Булар таркибига: мактаблар, коллежлар, университетлар, поликлиника ва шифохоналар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари кабилар киради.
7.	Санитар ва экология инфратузилмаси	Ушбу инфратузилманинг вазифаси бевосита соғлом ва барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган. Булар таркибига: Экологик мониторинг марказлари, Санитария-эпидемиология хизматини кўрсатувчи муассасалар, Ободонлаштириш ташкилотлари каби шу соҳа билан боғлиқ субъектлар киради.
8.	Бозор инфратузилмаси институтлари	Ушбу институтнинг вазифаси товар айланмаси ва бозор тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан характерли. Буларга: биржалар, савдо марказлари, логистика хизматлари ва омбор хўжалиги, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш органлари каби ташкилотлар киради.

Жадвалдан кўриниб турибдики, инфратузилма институтлари, лўнда қилиб айтганда, транспорт, алоқа, коммунал хизматлар, энергия, ижтимоий ва молиявий хизматлар каби жамият ва иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий тармоқлар мажмуасидан иборат экан.

Коммунал хизматларни кўрсатишдаги навбатдаги йўналиш бу **маданий ва ахлоқий институтлардир**. Ушбу институт билан коммунал хизматлар ўртасида бевосита ҳамда билвосита алоқалари бор.

Бевосита алоқаларга коммунал хизматларнинг жамиятга ва маданиятига таъсирида ўз ифодасини топади. Мазкур соҳада тоза ва барқарор хизмат кўрсатиш натижасида

одамларда масъулият ва шу билан бирга ишончини ошади. Агар соҳада сифатсиз хизмат кўрсатилса, одамларда норозиликларни келтириб чиқаради. Бу соҳа ходимларининг бепарволиги ва хизмат кўрсатиш қоидаларни бузганлиги натижасида содир бўлади. иш

Коммунал хизматларнинг ижтимоий институти сифатида уларнинг жамоат манфаатига хизмат қилиши, барча ҳаракатларда қонун, қоида ва жавобгарликка асосланиши, ижтимоий адолат ва тенглик масалалари билан боғлиқ тамойилларга таянган ҳолда амалга ошириши, бевосита хизмат сифатини ошириш билан бирга, ижтимоий хулқ-атвори, аҳолининг розилигини шакллантиришда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси ахлоқий институтлар доирасида туташади. Истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида бир-бирига ишонч ва ҳурмат амал қилиб бошлайди. Бу маънавий барқарорлик, иқтисодий самарадорликка ҳам олиб келади.

Коммунал хизматларга муносабатини шакллантирадиган **билвосита алоқага** одамларнинг маданий ва ахлоқий институтлари оила, таълим, дин, анъана, жамоатчилик кадриятлари орқали амалга оширилади. Бу сув, газ, электр эээнергиясини тежаб ишлатиш, умумий мулкка (подъезд, лифт, қувурлар) эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, барча қоидаларга риоя қилиш ва навбатни сақлаш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш жараёнларни ўз ичига олади. Булар одамларнинг ахлоқий тарбияси ва маданий даражасига бевосита боғлиқдир.

Маданий институтлар таркибига санъат, миллий мерос, миллий анъаналар, ижод ва маданиятни ривожлантирувчи бошқа тузилмалар ҳам киради. Ахлоқий институтлар эса, жамият ахлоқини тарбияловчи, инсон хулқини назорат қилувчи институтларни қамраб олади. Ушбу институтлар коммунал хизматлар билан бевосита ва билвосита боғлиқлигини инобатга олиш лозимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маданий ва ахлоқий институтлар коммунал хизматларни қандай қабул қилиши ва улардан қандай фойдаланишни белгилар экан. Мос равишда коммунал хизматлар жамиятнинг маданий ва ахлоқий муҳитини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Агар акс ҳол рўй берадиган бўлса албатта бу омиллар заифлаштиради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, институтчионал омиллар иқтисодиётнинг, шу жумладан, коммунал хизматлар соҳасининг ҳам ривожланишида қўлланиладиган “қоидалар тизими” ҳисобланади. Уларнинг сифатли бўлиши иқтисодий ўсиш, сармоялар оқимини киритиш, бизнес муҳитини яхшилаш ва давлат бошқарувининг самарадорлигини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, бир қанча илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Булар:

Биринчидан, мамлакатимизда коммунал хизматларни кўрсатувчи маъмурий-бошқарув институтларига кирувчи асосий тузилмалар юқоридаги саккизта йшналишдан иборатлиги қайд этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу маъмурий-бошқарув институтлари таркибига қуйидаги субъектларни киритиш мумкин. Буларга давлат ижроия ҳокимияти институтларини, ҳокимликлар ва маҳаллий ижро органларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, давлат назорати органларини, давлат хизматлари институтини, маъмурий судлар ва маъмурий ҳуқуқ институтини, бошқарув ва тартибга солиш агентликларини маҳалла ва жамоат бошқаруви институтлари ва уларнинг таркиби киритилган ва бу шундай қолиши ҳам керак.

Иккинчидан, коммунал хизматларни кўрсатиш соҳасига рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Агар шундай бўлса, тегишли мутасаддила жараённинг бошида туриб эмас, балки масофадан туриб ҳам назоратни амалга ошириш мумкин бўлади. Шунингдек, коррупцион омиллар ҳам бартараф қилинади.

Учинчидан, коммунал хизматлар соҳасини, айниқса яшил энергияларни ишлаб чиқишда, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш лозим бўлмоқда. Бунга ҳам тадбиркорларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Тўртинчидан, соҳа фаолиятига шаффофликни янада ойдинлаштириб, жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу йўл билан истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга, аҳолининг розилигини олишга эришиш мумкин бўлади.

Бешинчидан, инфратузилма институтига кирувчи асосий тармоқлар ва уларнинг таркиби қуйидагилардан иборатлиги қайд этилишини мақсадга мувофиқ, деб топди. Булар

таркибига инфратузилма институтларининг таркиби сифатида транспорт инфратузилмаси институтлари, энергетика инфратузилмаси, коммуникация ва ахборот инфратузилмаси, коммунал хизматлар инфратузилмаси, молиявий инфратузилма институтлари, ижтимоий инфратузилма институтлари, санитар ва экология инфратузилмаси ва бозор инфратузилмаси институтларини киритиш тавсия қилинмоқда. Чунки, булар соҳанинг ривожланишида муҳим омиллар сифатида майдонга чиқади.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, юқоридаги илмий-амалий тавсиялар иқтисодиёт, хусусан коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналар амалиётига қўлланилса, соҳага оид белгиланган стратегик вазифаларнинг бажарилиши ва барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилнинг 24 майида “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ-80-сонли фармони.
3. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Макроиқтисодий таҳлили. Ўқув қўлланма. 6-жилд. (Ҳаммуаллифлар; Ш.С.Олтаев, Ю.П.Уринбаева, О.М.Пардаев, З.С.Артиков) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 396 бет.
4. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Меҳнат бозори трансфармацияси. Ўқув қўлланма. 15-жилд. (Ҳаммуаллифлар; С.А.Бабаназарова, О.М.Пардаева) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 328 бет.
5. Пардаев М.Қ., Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 5-нашр. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2024. 588 бет.
6. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. 4-жилд. (Ҳаммуаллифлар; М.Э.Пўлатов, О.М.Пардаев, А.Н.Холикулов, Т.И.Яхёев) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2024. 324 бет.
7. Пардаев М.Қ., Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. (Ҳаммуаллифлар: С.А.Бабаназарова, О.Пардаева, О.Пардаев, Ҳ.Н. Очилова, М.О.Мамаюнусова, Қ.Б.Дилманов) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2024. 204 бет.

<p style="text-align: right;">О.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Улучшение административно-инфраструктурных институциональных основ развития муниципальных услуг</p> <p>Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования административно-институциональных основ развития муниципальных услуг в соответствии с требованиями времени и их адаптации к сфере муниципальных услуг. Также изучены основные структуры и секторы, входящие в состав административно-институциональных органов власти в нашей стране, и их состав. На основе объективных потребностей развития этой сферы разработан ряд научно-практических рекомендаций.</p> <p>Ключевые слова: муниципальные услуги, административно-институциональные, инфраструктурные органы власти, государственная исполнительная власть, хокимияты, органы местного самоуправления, правоохранительные органы, органы государственного контроля, государственные службы, административные суды, махалля.</p>	<p style="text-align: right;">O.Pardaev</p> <p style="text-align: center;">Improving the administrative and infrastructural institutional framework for municipal service development</p> <p>Abstract. This article examines the improvement of the administrative and institutional framework for municipal service development in line with current requirements and their adaptation to the municipal services sector. It also examines the main structures and sectors comprising administrative and institutional authorities in our country, as well as their composition. Based on the objective development needs of this sector, a number of scientific and practical recommendations have been developed.</p> <p>Keywords: municipal services, administrative and institutional, and infrastructural authorities, state executive authorities, khokimiyats, local governments, law enforcement agencies, state oversight bodies, government services, administrative courts, mahallas.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.